2006 ЙИЛ, 27 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 212 (10.769) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Республика «Оила» маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида шаҳримизнинг фаол аёллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Оила — муқаддас Ватан» деб номланди.

● **КЕЧА** Республика Қарсоқовлар жамияти ташаббуси билан меҳрга ташна инсонлар иштирокида уюштирилган хайрия тадбири Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида маҳалла тизимини шакллантиришнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Тошкент ҳайвонот боғига экскурсия уюштирилди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида ўз ишини бошлаган «Россия ишбилармон ва маърифий китоблари» кўргазмаси «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Халқаро маданият карвонсаройида иқтидорли мусаввир Дилшод Эшматовнинг шахсий кўргазмаси очилди.

● **ЎТГАН** куни Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалла гузарида маҳалла фаоллари, 293-мактаб ўқувчилари иштирокида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Оилам — бахтим, саодатим» деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент ирригация ва мелиорация институтида иқтидорли қизлар ўртасида ташкиллаштирилаётган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичи бўлиб ўтди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги Амир Темур номли маҳаллада Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ва Оқсоқоллар кенгаши қошидаги «Қалб эътиқоди» давраси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг Сергели туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган давра суҳбати «Сўнмас қадриятлар» деб номланди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги Фан ва технологиялар маркази босмахонасида «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи» мавзуида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати Маънавият тарғибот марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

БУГУН ҲАМИША КЎҲНА ВА НАВҚИРОН, ЎЗБЕКИСТОН ДУРДОНАСИ БЎЛМИШ ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА.





ЮРТИМИЗ ДУРДОНАСИ

Маълумки, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган, нечанеча буюк алломалар, донишманду олимлар туғилиб ўсган кўҳна шаҳарларимиздан Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида бир неча йиллардан буён қизғин тайёргарлик олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги ва Президентимизнинг 2005 йил 26 июлдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларига мувофиқ Қаршида кенг кўламдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада қадимий ва ҳамиша навқирон Қарши шаҳри таниб бўлмас даражада янги қиёфага кирди. Бугунги кунда шаҳарнинг қадимий маркази бўлмиш Регистон майдони очилиб, гўзал хиёбонга айлантирилди. Майдоннинг уч томонидан учта тарихий обида — Хўжа Абдулазиз, Қиличбек, Бекмир мадрасалари савлат тўкиб шаҳар ҳуснига янада кўрк бағишламоқда. Майдонда яна бир нодир ёдгорлик — Одина масжиди мавжуд бўлиб, у соҳибқирон Амир Темур даврида барпо этилган. Мустақиллик шарофати билан ушбу масжид тўлиқ таъмирланиб, ўзининг бетакрор меъморий ечимлари билан кўзни қувонтирмоқда. Шунингдек, шаҳарнинг бош майдони яшил майсалар, манзарали дарахтлар билан янада кўркам ва обод хиёбонга айланди. Майдон марказида Қарши шаҳрининг рамзи сифатида бунёд этилган замонавий ёдгорлик ҳам киши диққатини ўзига тортади. Эндиликда бу жой шаҳар аҳлининг энг севимли ва қадрли оромгоҳларидан бирига айланади.



Шаҳардаги барча кўчалар ва хиёбонлар кўкаламзорлаштирилди, яшил майсалар экилиб, сув пуркаб турадиган мосламалар ўрнатилди. Шуни таъкидлаш керакки, шаҳарда 600 ўқувчига мўлжалланган «Олимпия заҳиралари», «Компьютер технологиялари» коллежлари, 20 минг томошабин сиғадиган марказий стадион, 270 томошабинга мўлжалланган амфитеатр, марказий деҳқон бозори, Алишер Навоий номли марказий истироҳат боғи ва Болалар боғида амалга оширилган ишлар шаҳар аҳолиси учун ниҳоятда қувонарли бўлди. Бундай улкан бунёдкорлик ишлари нафақат Қарши шаҳрида, балки мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Буларнинг ҳаммасини мустақиллигимизнинг буюк неъмати десак адашмаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ РАИСИ ИЛГИЗАР СОБИРОВ МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ АЛЕКСАНДР ВЕШНЯКОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ МАЗКУР ТАШКИЛОТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Олий Мажлис Сенатида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Учрашувда халқаро сайлов стандартларини ҳисобга олган ҳолда икки давлат сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш ва демократлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида ўтган амалий семинарда Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси А.Вешняков маъруза қилди. Семинар Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги тажрибасининг айрим жиҳатларига бағишланди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари, сенаторлар, Конституциявий ва Олий суд судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг олим ва мутахассислари иштирок этди.

Семинар қизиқарли мунозара ва эркин фикр алмашув руҳида ўтди.

(ЎзА)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. ПАРЛАМЕНТ ҚУЙИ ПАЛАТАСИНИНГ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР, НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҚАТНАШДИ.

Йиғилишда мамлакатимизда ҳомийлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ҳомийлик қилиш, бева-бечораларга ғамхўрлик кўрсатиш азалдан халқимизга хос фазилат бўлиб, одат тусини олган бу эзгу ишнинг қонуний асосини яратиш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан экани таъкидланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда алоҳида ўрин тутади. Қонун лойиҳаси 5 боб ва 22 моддадан иборат бўлиб, унда ҳомийлик фаолияти тушунчаси ва мақсадлари белгилаб берилган.

Муҳокамада бўлган ушбу қонун лойиҳаси бўйича бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, янги қонун лойиҳасида ҳомийлик ташкилотлари ва қонун доирасидаги ҳомийлик фаолиятини амалга оширган юридик ёки жисмоний шахсларга имтиёзлар белгилаш билан боғлиқ ҳолатларга эътибор қаратилди.

(ЎзА)

Обуна —2007

ҲАФТАДА БЕШ КУН — «ОҚШОМ» БИЛАН!

Тошкент оқшоми

Вечерний Ташкент

Қадрли оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча аҳоли бўлимларида сиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2007 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни, албатта таҳририятимизга сиз азиз муштарийларимиздан келаётган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, унинг қадрига етган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодиса ва янгиликлардан доимо хабардор бўлишни хоҳлаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона ёки муаммо сабаб бўлолмайди.

40 йилдан ортиқ вақт ичида ўзининг содиқ, ихлосманд ўқувчилари даврасини йўқотмаган «Оқшом» таҳририяти ҳам келаси йил учун қўшимча тегмаган», «тахи бузилмаган» мақолаларни ўз ичига оладиган янги режаларни белгилаб қўйди. 2007 йилдан бошлаб газетхонни ўзига «тортадиган» янги-янги мавзудаги қизиқарли, ўқимишли мақолалар, ранг-баранг, ёркин суратлар, билимингизни чархловчи кроссвордлар газета саҳифаларидан ўрин олади.

Шундай экан, азизлар, сизга ҳар доим энг яқин ҳамкор, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Вақт ғанимат, Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом»ни хонадонингизда кутиб олинг.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институтида Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Германия, Франция, АҚШ, Исроил ва Қозоғистон давлатларидан келган таниқли олимлар иштирок этишди.

● «2-қурилиш-монтаж бошқармаси» очиқ акциядорлик жамияти Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Зафаробод ва Нуробод шаҳарларида кўп қаватли уйлар, йирик саноат корхоналари, маъмурий ва маиший иншоотларнинг бунёд этилишида фаол иштирок этиб келмоқда. Фақат жорий йилнинг ўтган даврида жамият жамоаси томонидан 2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жумладан, битта мактаб ва битта касб-ҳунар коллежининг қурилиши ниҳоясига етказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойидаги иш якунларига бағишланган Бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.

● Халқаро мавзуларни ёритишга ихтисослашган Ҳиндистондаги етакчи нашр — «Дипломатиед» журнали бу йилги октябрь ойидаги сонини тўлалигича Ўзбекистон мавзусига бағишлади. Юртимиз мавзуси: «Бой тарих, гуллаётган маданият ва буюк келажак» деб номланди.

● «Камолот» ЁИҲнинг Ўзбекистон Миллий университетидаги бошланғич ташкилоти ташаббуси билан талабаликка қабул қилиш тадбири ўтказилди.

● Республикамиз хирургларининг «Воҳидов ўқишлари» илмий-амалий анжумани Наманган вилоятида ташкил этилди. «Ихтисослашган хирургиянинг танланган масалалари» мавзусидаги мазкур анжуманда ўзбекистонлик шифокорлардан ташқари Россия ва Қозоғистондан келган машҳур жарроҳлар ҳам иштирок этишди.

● Қумқўрғон туманидаги «Сурхон комбинати» акциядорлик жамиятида жорий йилнинг ўтган даврида 3 миллиард сўмликдан зиёд йиғма темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарилди. Корхонада тайёрланаётган 49 турдаги маҳсулотнинг асосий қисми «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон» темир йўл қурилишида ишлатилмоқда.

● Асакадаги «Ўз-ДонгВон» қўшма корхонаси жамоаси бу йил халқаро «Исо-9001» сертификатини олишга муваффақ бўлди. Бу — тайёрланаётган маҳсулотларнинг жаҳон андозалари даражасида эканлигининг эътирофидир. Корхонада ўтган йилнинг тўққиз ойида 5 миллиард 819 миллион сўмлик бутловчи қисмлар тайёрланган бўлса, жорий йилнинг шу даврида (солиштирма баҳоларда) 8 миллиард 106 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 139 фоизни ташкил этди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Хавфсизлик Кенгашида Эронга қурол-яроғ ва уни тайёрлаш учун ишлатиладиган хом ашё сотилмаслигини ифодаловчи янги резолюция лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

● Франция Президенти Жак Ширак Европа Иттифоқига мурожаат қилиб, Хитойга қурол-яроғ ва ҳарбий технологиялар етказиб беришни таъқиқлашни бекор қилишга чақирди.

● АҚШнинг Enron энергетик компаниясининг собиқ раҳбарларидан бири Жеффри Скилнинг компаниянинг молиявий жиҳатдан таназзулга учраши арафасида йирик қарзларни яширишда айбланган ҳолда 24 йилу тўрт ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

● Европа жанубидаги Пиреней ярим оролида тинимсиз ёғаётган кучли ёмғирлар кучли сув тошқинларини келтириб чиқарди. Шу муносабат билан Португалиянинг бир неча ҳудудида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Мамлакат пойтахти Лиссабонга ҳам сув тошқинлари катта зарар етказди.

● Москванинг Дубровка ҳудудидаги театр марказида бундан тўрт йил муқаддам террорчиларнинг қўлида қурбон бўлганларнинг хотираси ёдга олинди.

● Украина 2007 йилда 55 миллиард кубометр Россия газини сотиб олишни режалаштирмоқда. Расмий Киев ҳар бир минг кубометр газ учун 130 доллардан тўлашга розилиги ҳақида маълум қилди.

● Франция жанубида жойлашган қуроласлаҳа заводидан 300 га яқин турли хил қуроллар ўғирлаб кетилди.

● Ирландия полицияси мамлакат пойтахти Дублин шаҳридаги уйларнинг биридан 19 миллион евролик қийматга эга улкан миқдордаги героин ва марихуана гиёвандлик моддаларини топиб, мусодара қилди.

ОБ-ҲАВО МАЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 28 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.





ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО" ПАВИЛЬОНИДА «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ ИШ БОШЛАДИ. «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ» ДЕБ НОМЛАНГАН БУ АНЪАНАВИЙ ТАДБИРДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД САЙЁҲЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ, УНИНГ ИҚТИСОДИЁТ РАВНАҚИГА ҚЎШАЁТГАН ҲИССАСИНИ ОШИРИШ, ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАН ИБОРАТ.

Йигирмадан ортиқ мамлакатдан вакиллар қатнашаётган ярмарканинг очилишида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этаётган ярмаркада мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиатимиз ва тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари, фотоэкспозициялар намойиш этилмоқда. Ярмаркага ташриф буюрганлар фаол ва саргузаштларга бой хордиқ, экологик ва спорт туризми йўналишлари, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ҳамда агентлари фаолияти, кўплаб ахборот-маълумотнома ва адабиётлар билан танишиш имконига эга бўлади.

Сайёҳлик барқарор ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланиб, аҳоли турмуш даражасини оширишга, қўшимча иш ўринлари ташкил қилишга, табиий ва маданий бойликларни сақлаш ва муҳофаза қилишга хизмат қилади. Бугунги кунда "Ўзбектуризм" миллий компанияси, миллий сайёҳлик фирмалари соҳани мунтазам ривожлантириш йўлидан бормоқда. Юртимизда ушбу соҳада банд бўлганлар сони, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари тобора кўпаймоқда. Хусусий бизнеснинг сайёҳлик хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 90 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда тўрт мингдан ортиқ тарихий-меъморий обида ва ёдгорлик мавжуд. Лекин бу борадаги барча имкониятлар ҳам тўлиқ ишга солиняпти, деб бўлмайди. Соҳадаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш кўп жиҳатдан учта асосий омил – соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг сайёҳлик нуфузини янада юксалтиришга боғлиқ. Уч кунлик ярмарка иштирокчилари муҳокамасига айнан шу масалалар қўйилган.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.



О.ТУРОПОВ,
ЎзА мухбири
СУРАТЛАРДА: халқаро сайёҳлик ярмаркасидан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар

ФЕРМЕРЛАР ОРЗУСИ УШАЛМОҚДА

ШУ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ВИЛОЯТЛАРИДАН ФЕРМЕРЛАР ВА ҚИШЛОҚ ТАДБИРКОРЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «UZBEKISTAN AGROMINITECH EXPO – 2006» ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИХЧАМ УСКУНАЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎРГАЗМА-САВДОСИ ДАВОМ ЭТАЁТГАН ЎЗЭКСПОМАРКАЗ ПАВИЛЬОНЛАРИ ГАВЖУМ. ДУНЁНИНГ 25 МАМЛАКАТИДАН КЕЛГАН ЕТАКЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР БУГУНГИ КУНДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ТАРМОҒИ УЧУН ЭНГ ИЛҒОР ТЕХНИКАНИ УЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА.

Ҳар бир экспозиция олдида қизғин фикр алмашувлар давом этмоқда. Фермерлар хорижий компаниялар вакилларидан ускуналарнинг хусусиятлари, ишлаб чиқариш имкониятлари ва бошқа стендлардаги намуналарга нисбатан афзалликлари ҳақида сўрамоқда. Деҳқонлар бир технологияни танлашдан олдин намойиш этилаётган ҳамма экспонатларни синчиклаб кўздан кечирмоқда. Буни тушунса бўлади, чунки бундай юқори технологик ускунани сотиб олиш уларга йиғиб олинган ҳосилни тўлиқ ва сифатли қайта ишлаш имконини бериши лозим. Чунки илғор технологиялардан фойдаланиш чекка ва олис туманлардаги кичик фермер хўжаликларига ҳам жаҳон бозорида талаб катта бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини яратади.

— Кўргазмага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюриб, фермерлар билан суҳбатлашгани – давлатимиз раҳбарининг қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатаётган доимий ғамхўрлигининг яққол далилидир, — деди Самарқанд вилояти Самарқанд тумани фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Истамжон Норқулов. — Кўргазмага туманимиздан 45 нафар фермер келди. Сафардан олдин маслаҳатлашиб, бугун ҳар бир хўжалик учун биринчи навбатда нима кераклигини аниқлаб олдик. Германия ва Исроилда ишлаб чиқарилган 4 та кўчма сут соғиш агрегатини харид қилиш юзасидан шартномалар туздик. Яқин кунларда сутни қайта ишлаш, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияларини сотиб олишни мўлжаллаяпмиз. Россиядаги Красноярск заводи ишлаб чиқарадиган «Енисей» ғалла ўриш комбайнлари бизнинг энг қимматли харидимиз бўлади. Бироқ, таъкидлашни истардимки, бу харажатлар фермерларни қийнаб қўймайди. Чунки улар ҳамма шартномаларни шу ернинг ўзида лизинг компанияси орқали расмийлаштирмоқда. Муҳими, кўргазма-савдо доимий фаолият кўрсатади. Биз бундан кейин ҳам дунёдаги энг яхши техникаларни харид қила оламиз.

Шу кунларда Бухоро вилояти, Вобкент туманилик Ойбек Жумаевнинг орзуси ушалди. Кўргазмага уни отаси, фермер Олим ака янги трактор сотиб олишни тайинлаб жўнатган эди. Хўжаликда 20 киши меҳнат қилади ва уларнинг даромадлари техниканинг аҳволига бевосита боғлиқ. Шу боис ёш фермер жуда хурсанд — у кўргазмада иштирок этаётган Россия «Агромашхолдинг»и вакиллари билан бу ерда намойиш этилаётган Харьков заводи тракторини харид қилиш ҳақида келишиб олди. Ҳозир банк кредит линияси бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни кечмоқда. Уни ҳам кўргазма ташкилотчилари ўз зиммасига олган.

Германия техник ҳамкорлик жамияти вакили А.Сулаймоновнинг фикрича, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига қаратилган халқаро кўргазманинг ўтказилиши Германия ишлаб чиқарувчиларининг ўзбек тадбиркорлари билан ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантиришда янги босқич бўлди. Бундай кенг кўламли кўргазмада қатнашиш уларга ислоҳ қилинаётган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг техника ва технологияларга бўлган талабини ўрганиш имконини берди. Бу эса иккала томон учун ҳам фойдали ҳамкорликни кенгайтиришда янги истиқболлар очади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

МАЙСАЗОР ЎРТАСИДАГИ ЁЛҒИЗ ОЁҚ ЙЎЛ

Истиқлол шарофати билан шаҳримизда қилинаётган ободонлаштириш ишлари, янгиланиш ва яшаришлар ҳар биримизнинг кўнглимизни гулдек яшнатиб, қалбларимизга олам-олам қувонч бахш этиб турибди. Ўтган қисқа муддат ичида амалга оширилган оламшумул ишларни бугун санаб адоғига етиб бўлмайди. Биргина ободончилик йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларимизнинг ўзи бунинг яққол мисоли бўла олади. Бугун шаҳримизнинг қай гўшасига назар ташламанг, қай бурчагида бўлманг, кўзингиз яшил бойликлар оламидан яшнаб кетади. Бу анъана ой ва йил сайин давом этмоқда. Лекин шундай хайрли ишларнинг қадрига етмаётган баъзи кимсалар ҳам йўқ эмас орамизда. Мана бир мисол.

Тунов куни яшил майсазорлар билан қопланган хиёбонда хордиқ чиқариб ўтирардик. Шу атрофда итини сайрга олиб чиққан икки аёл уялмай-нетмай майсазор устидан юра бошлашди. Бу ҳолни кўриб туриб ранжидик албатта. Кимдир инсонларга ҳузур-ҳаловат бағишласин, кўрган кўзни қувонтирсин деб бизга кўркамлик бахш этса-ю биз эса бу меҳнатнинг қадрига етмай уни босиб-янчсак, бу адолатданми? Итини майсазорда ўйнатаётган аёлларга шу тўғрида гапирдик. Улар «Ит ҳам жонзот, улар ҳам кўркамликни яхши кўради» қабилида жавоб қилишди. Охири қаттиқ-қуруқ гапришга мажбур бўлдик. Шундан кейингина аёллар биздан ранжиб итларини етаклаб нари кетишди.

Шу топда майсазорга қараб туриб, унинг қоқ ўртасида пайдо бўлган ёлғиз оёқ йўлга кўзимиз тушди. Ўзимизча ўйланамиз, тўғри йўл қолиб, бир ажиб сўлим майсазорнинг ўртасини босиб ўтишга ким журъат қилди экан? Шундай хаёлларда ўтирсак хушрўйгина қиз билан қадди-басти келишган бир йигит ҳеч кимни назар-писанд қилмай, қўл ушлашиб шу ёлғиз оёқ йўлдан юриб кетишди. Бироз юришгач, майсазорнинг қоқ ўртасида тўхтаб қолишди. Шунда қиз: «Вой, мана бу майсаларнинг чиройлилигини қаранг», деб яшил майдонга тикилиб қолди. Йигит ҳам шунга яраша жавоб қилди. Бу икки ёш яшил гўзалликдан қувонишарди-ю лекин уларнинг ўзлари уни топтаб, янчиб турганларини ҳис этишмасди. Бу бефаросатликка чидай олмадик. Севишганларни тартибга чақирдик. Улар бир сўз демай «Сенинг нима ишинг бор» деган маънода биз томон ўқрайиб қараб ёлғиз оёқ йўлдан тез-тез юриб кетишди.

Энг ёмони шу. Биров сенинг ножоиз қилмишингдан ранжиб гапирса, ундан тўғри хулоса чиқармаймизда, балки ўша одамга: «Сенинг нима ишинг бор» деб ўшқирамиз. Энди айтинг, бордию шу майсазор ўз уйимизда бўлса, унинг устида ит ўйнатиб ёки ўзимиз босиб-янчиб ўтармидик? Йўқ, албатта. Доноларнинг «Пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга ур» деган ҳикматининг маъноси шу бўлса керак-да.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ УЗИЛДИ

Кечаги ҳайит куни шаҳар айланиб, ҳориб-чарчаб, бир зум дам олиб, ул-бул тановул қилиш учун Чилонзордаги ошхоналардан бирига кирдик. Биз билан ёнма-ён столда икки йигит бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатиб ўртадаги бир шиша ароқни «сан ол, ман ол» қилиб майдалаб ўтиришарди. Шиша ниҳоялагач, улфатлардан бири чаққон ўрнидан турди.

— Ҳа, қаёққа? — сўради иккинчиси.

—Яна бир шиша келтираман.

— Йўқ, бўлди, ҳали бошқа борадиган жойларимиз бор, — қаршилик қилди дўсти.

— Ке, энди бир ўтиришиб қолдик. Дунё ташвишларини унутиб бир чақчақлашайлик.

Дўстининг раъйига қарамай, у яна бир шиша ароқ келтирди. Кейин стаканларни бир йўла тўлдириб қуйди.

— Қани ол, дўстлик учун ичайлик.

Ҳали биз олдимиздаги таомни тановул қилиб улгурмай иккинчи шиша ҳам бўшатилди. Ҳозиргина бир магизни тенг бўлиб, ейишга тайёр йигитлар кайфнинг зўридан сан-манга бориб қолишди.

— Менга қара, мен икки шиша ароқ келтирдим. Иккаламиз баравар ичдик. Қани ярим пулни чўз.

— Мен ичмайман дедим. Ўзинг зўрладинг. Бир тийин ҳам бермайман.

Ёқа бўғиш бошланди. Ҳамма ёқ алғов-далғов бўлди. Оқибат мана шу тарзда дўстлик ришталарининг узилиши билан якун топди.

ҚИЗИҚҚОН БЎЛМА

Ёши ўтган, ҳаётнинг паст-баланд сўқмоқларини кўрган донолар ёшларга: «Болам, қизиққон бўлма, қизиққонликнинг охири пушаймонлик билан тугайди», деб панду-насиҳат қиладилар. Зеро, қизиққонлик, аччиғланиш, шошма-шошарлик, ўйламай қилинган иш кечиримлиликка зарба беради, кишини бебурд қилиб қўяди. Шуни била туриб бу ҳикматона сўзга ким амал қилади, ким уни четлаб ўтади. Бунга мисол тариқасида бир ривоят келтирсак, масала янада ойдинлашади.

Қадим замонда бир-бировини ниҳоятда севувчи ошиқ-маъшуқлар тақдирнинг тақозоси билан анча йиллар бошқа-бошқа айриликда яшашларига тўғри келган экан. Йигит сарбозликка чақирилиб, узоқ ўлкаларда жангу жадалларда қатнашади. Ана-мана дегунча орадан 17-18 йил ўтади. Ўз юртига қайтган йигит уйига келиб қараса, қўшни хонада мўйлаби сабза урган ёшгина йигитча маст уйқуда ётганмиш. Бундан қаҳрланган эр: «Мен сени бир дақиқа ҳам ёдимдан чиқармай, сенга талпиниб юрсаму, сен бевафолик қилсанг» деб қиличини суғуриб йигитни ҳам, нариги уйда ётган рафиқасини ҳам чопиб ташламоқчи бўлади. Шунда эсига устозларнинг «қаҳринг келганда қирққача сана» деган ўгити тушиб санашга тушади. Овоздан уйғонган аёл қараса эри қилич яланғочлаб, дарғазаб ҳолда турибди. Шунда хотин ухлаб ётган йигитча ўғли эканлигини айтади. Чунки эри хизматга кетаётганида ўғли туғилмаган эди. Бу қувончдан ўзини бутунлай йўқотиб қўйган эр ўғлини бағрига босади. Қизиққонлиги, шошма-шошарлигидан хижолат тортади.

Қиссадан ҳисса шуки, қизиққонлик устида пировард натижани ўйламай қилинган ишнинг охири пушаймонлик билан тугайди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ



Мини-футбол

ЯШИЛ МАЙДОНДА ҚИЗИҚАРЛИ БАҲСЛАР

КЕЧА ШАҲРИМИЗДАГИ «ИСТИҚЛОЛ» СТАДИОНИДА МИНИ-ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОЛИМЖОН АКБАРОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЖУРНАЛИСТЛАР ЎРТАСИДАГИ ИККИНЧИ ТУРНИРНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Байрамона тус олган стадиондаги мусобақаларнинг очилишида сўзга чиқан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт қўмитасининг раиси Азамат Зиё, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Ахбор Имомхўжаев, «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Сафар Остонов ва бошқалар йилдан йилга хотира турнирининг нуфузи ошиб бораётгани, жумладан, бу йил аввалгидан олтита кўп—яъни йигирмата жамоа куч синашаётгани, истисно тариқасида бу йил Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетининг ўқитувчилари ҳам қатнашаётгани турнирнинг янада қизиқарли ўтишига ҳисса қўшишини таъкидлашиб, муросасиз беллашувларда журналистларга омад тилашди.

Сўнг барча гуруҳлардан ўрин олган жамоалар ўртасида ҳаяжонли лаҳзаларга бой дастлабки учрашувлар бўлиб ўтди. Бунда энг йирик ҳисоб «В» гуруҳидан ўрин олган «Туркистон» ҳамда «Янги аср авлоди» жамоалари ўртасида қайд этилди. Ушбу сермаҳсул ва ҳужумкор баҳсда 6:2 ҳисобида туркистончиларнинг қўллари баланд келди. «А» гуруҳининг етакчи жамоаларидан бири «Халқ сўзи» газетасининг ҳаваскор футболчилари 5:1 ҳисобида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиларини доғда қолдиришди.

Энг кескин учрашув эса «С» гуруҳининг етакчи жамоаларидан ҳисобланмиш «Ўзбекистон овози» ҳамда «Шарқ» НМАК ўртасида кечди десак хато қилмаймиз. Бунда 2:1 ҳисобида матбаатчилар командасининг қўли баланд келди.

Ниҳоят сўнгги «Д» гуруҳида «Ишонч» газетаси жамоаси «Тошкент ҳақиқати» қаламкашлари устидан 3:1 ҳисобида устун келди.

Шунингдек, қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: МТРК — «Хонадон»—3:0, «Маърифат»—«Ўзбекистон» нашриёти—5:0, «Ўзбекистон футболи»—«Садо» FM—4:3, «Наврўз» FM—«XXI аср» — 5:0.

Эслатиб ўтамиз, ҳар бир гуруҳнинг иккитадан энг кучли жамоаси сараланиб, чорак финалга йўлланма олади.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: турнирнинг очилиш маросими ва дастлабки беллашувлардан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар




Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ҲИКОЯ

Тарбияли бола асло бировнинг молига қўл узатмас. Ҳатто уйда юрганда ҳам токчалар ва наматлар тагини титиб юрмас. Оналаридан рухсатсиз меҳмонга деб қўйган меваларга тегмас. Агар савдогарлик тўғрисида иши тушса, ҳеч бир вақт хиёнат қилмас.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ҲИКОЯ

Имом Абу Ҳанифа ҳазратлари Басра шаҳрида бир киши билан савдогарлик учун шерик бўлдилар. Бир кун Абу Ҳанифа бозордан етмиш кийимлик чит олганларида ичидан бир кийимлиги айбли чиқди. Шу читларни Басрадаги шерикларига юбораётганларида хат ёзиб: «Шу читларнинг ичида бир донасининг айби бор, албатта айбини айтиб сотгайсиз», — деб жўнатдилар. Сўнг шериклари молларни сотиб келганида: «Эй биродар, ўша бир кийим читни нуқсонини айтиб сотдингизми?» — деганларида, шериклари: «Ёдимдан чиқибди», деб жавоб берди. Абу Ҳанифа ҳазратлари: «Ундай бўлса савдомиз ярамабди», — деб читларни ҳамма ақчасини фақирларга садақа қилдилар.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ҲИКОЯ

Бир ёш бола бир одамнинг уйидан товуқ тухумини ўғирлаб, уйига олиб борди. Онаси бунга суюниб: «Яхши қилибсан болам», — деди. Бу бола катта бўлиб бора-бора ўғирликка ўрганиб катта-катта нарсаларни оладиган бўлди. Бир кун ўғирлик қилиб ҳокимнинг қўлига тушди. Улар дорга осиб ўлдиришга ҳукм қилдилар. Онаси бу воқеадан хабар топиб дорнинг остига келиб: «Оҳ болам», — деб йиғлаб ўтирди. Ўғри подшоҳдан: «Онамга икки калима сўзим бор», — деб сўради. Унга жавоб бердилар, сўнгра онасини олдига бориб: «Эй онажон, тилингизни чиқаринг», — деди. Онаси хўп, деб тилини чиқарганида тишлаб олибди. Ўша ердаги одамлар ҳайрон бўлдилар, сўнгра подшоҳ онанинг ўғлини чақириб: «Нима сабабдан сени ҳолингга куйиб турган онангга озор етказдинг», — деб сўради. Ўғри: «Эй подшоҳ, ушбу онам аввал ўғрилик қилганимда кўриб ширин тил билан офарин қилмаган бўлса эди, азиз жоним ўғирлик йўлида қурбон бўлмас эди», — деб жавоб берди.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ҲИКОЯ

Тарбияли бола меҳмонни ғоятда яхши кўрар, уйига меҳмон келса, бир жойга кетиб қолмасдан хизматида ҳозир турур. Уйида бор нарсасини аямасдан меҳмон олдига қўяр. Берган ош таомларини мақтаб ўтирмасдан фойдали сўзларни сўзлашиб ўтирар. Агар меҳмон кетмоқчи бўлса, раҳмат айтиб очиқ юз ва ширин сўз билан орқасидан кўчага чиқиб кузатар.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ҲИКОЯ

Одобли бола бир жойга меҳмон бўлиб борса, уй эгасидан жавоб олмасдан асло эшикка чиқмас. Олдига қўйилган таомни қаттиқ ёки юмшоқ, менга ёқмайди деб уй эгасига қаттиқ тегадиган сўзларни сўзламасдан, қўйган неъматини хушвақт бўлиб таомни хор тутмас. Таом еб ўтирган вақтида бошқа одамларнинг олдида турган таомга қўл узатмас.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ ҲИКОЯ

Бир кун Шокир билан Зокир иккиси меҳмон бўлиб бир жойга бордилар. Уй эгаси олдиларига нон билан жийда қўйди. Шокир жийдани еб, Зокирни уялтирмоқчи бўлиб данагини унинг олдига суриб қўярди. Дастурхондаги жийда тамом бўлишига яқин қолганда: «Эй Зокир, ошна, жийдани ниҳоятда яхши кўраркансиз ҳамма данаги олдингизда йиғилиб қолибди», — деди. Зокир: «Эй биродар, сиз мендан ҳам ортиқроқ яхши кўрар экансиз, чунки олдингизда на жийда бор, на данаги, балки жийдаларни ҳаммасини данаги билан егандурсизда», — деганида Шокир ўзи уялиб ҳеч нарса дея олмай қолибди.

ЎТТИЗИНЧИ ҲИКОЯ

Одобли бола таомга ўтиришдан аввал қўлларини совун билан покиза қилиб ювар. Ўзидан катта одамлардан илгари ўтирмас. Таом еб турган вақтида ерга таянмасдан бир оз энгашиб луқмани кичкина, кичкина олур. Қорни тўйгандан сўнг қўлини кийимларига ва бошқа нарсаларга теккизмасдан эҳтиёт қилиб дастрўмолга артар. Сўнгра қўл ва оғизларини покиза қилиб ювар. Бемаза таомларни емоқдан ўзини эҳтиёт қилар.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ ҲИКОЯ

Бир одам табиб олдига бориб: «Дору берсангиз, қорним оғрияпти», — деди. Табиб: «Бугун нима таом еган эдингиз», — деб сўраганда саримсоқ ва яна бир неча хил ўтлар билан пишган таом еган эдим деди. Табиб унга кўз дорисидан берди. Ўша одам: «Эй табиб, қорни оғриган билан кўз оғриғини нима муносабати бор», — деб сўради. Табиб: «Аввал кўзингга дору керак, чунки кўзинг кўр бўлмаса, бундай бемаза таомларни емас эдинг», — деб жавоб берди.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ ҲИКОЯ

Бир кун бир такаббур одам: «Дунёда ҳар нарсаки ер билан осмонда бор, ҳаммаси мен учундир. Аллоҳ Таъоло мени оламга катта қилди», — деб лоф уриб ўтирган эди. Шу пайт бир пашша келиб бошига қўниб: «Бундай ғурурлик сенга муносиб эмас, чунки ҳар нарсаки, ер билан осмон ўртасидадир. Аллоҳ Таъоло сен учун яратган бўлса, сени мен учун яратгандир, билгилки бошингга чиқиб ўйнаяпман, албатта сендан каттаман», — деб айтди.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ ҲИКОЯ

Одобли бола дўстлари ва қариндошлари бетоб бўлсалар, тез-тез хабар олиб, аҳволларини сўраб турур. Қўлидан келганча яхши сўзлар билан кўнгилларини кўтариб: «Оз вақт ичида сиҳат топасиз», — деб умидлантирар.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлади.

Оила даврасида

Мулоҳаза

ҚУДАЧИЛИК — МИНГ ЙИЛЧИЛИК

ЎЗБЕКЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС, МОС УДУМЛАРИ, ҲЕЧ ҚАЙСИ ХАЛҚДА УЧРАМАЙДИГАН ЯХШИ ХУСУСИЯТЛАРИ БЎЛИБ БУЛАРДАН БИРИ — АНДИШАДИР. АНДИША — БУ ЯХШИЛИК ДУНЁСИНИ ОҒИБ КЕТИШДАН САҚЛОВЧИ МУВОЗАНАТ ВА БОШҚАЛАРНИ БУТУН САҚЛАШ ЙЎЛИДАГИ УРИНИШДИР.

Бугунги кунга келиб ана шу андишанинг йўқлиги сабабли ўғил онага қўл кўтаради, сингил опани, ука акани менсимайди, келин қайнонани одам ўрнида кўрмайди, бир-бирларига туғишган қадрдонлардай яқин бўлган қуда-андаларнинг андишасизлиги оқибатида эр-хотин ўртасига совуқчилик тушади, бу икки ўртада норасида гўдакларнинг «тирик етим»га айланишига сабаб бўлади, айрим ҳолларда оилалар ажралиб кетмаса-да, дарз кетган оилага айланади, икки тараф бир-бирини кўришга кўзи, кўрганда ҳам отишга ўқлари бўлмайди.

Куни кеча бир ерда йиғинда бўлиб, бир аёлнинг ўз қудаси, келини ҳақида тўлиб-тошиб гапирган гапларини эшитдим ва бу гаплар кимларгадир ибрат бўлар деб муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқдаман.

«Оилада кўпчиликмиз, турмуш ўртоғим вафот этганига 5 йил бўлди. Фарзандларим ҳаммаси иш билан банд. Бировдан олдин, бировдан кейин, борига шукр қиламан, Уч йил аввал ўғлимни уйлантирдим. Худога шукр, набиралик ҳам бўлдим. Халқимизда бежиз «Онасини кўриб, қизини ол» деб айтилмаган. Онаси уддабурро, доно, зийрак, ширинсўз қиз борган жойида ҳам оиладаги иззат-ҳурматини жойига қўйиб қўяди. Қизнинг тиниб-тинчиб, туп қўйиб, палак ёзиб кетишининг асосий омили — унинг фаҳм-фаросати ва ширин тилидир. Рўзғорда — ўз номи билан ғорни тўлдиришнинг ўзи бўлмайди, шу пайтгача келинимнинг бирор марта норози бўлиб, бирор нарсадан шикоят қилганини эшитмадим. Ҳомиладорлик пайтида анча қийналди, жарроҳлик йўли билан кўзи ёриди, боласини оёққа турғизгунча ҳам анчагина қийналди. Ўзингизга маълум, дори-дармон, парҳезларнинг ўзи бўлмайди. Аёл қудамнинг бирон марта қаттиқ-қурум гапларини, пичинг-кесатиқларини эшитмадим. «Қуда, сиз ишлайсиз, мен уйдаман, агар рози бўлсангиз, қизимни уйга олиб кетиб қарасам. Сизга ҳам осон эмас», — деб нуқул мени суяр-дилар. Дори-дармон олиш керак бўлса ҳам, сизларга оғирлик тушмасин, бир сафар сизлар олиб беринглар, бир сафар ўзимиз оламиз деб бунда ҳам бизга оғирлик туширишни хоҳламасдилар. Кейинги пайтларда даволанмаганлигим учун қон босимим тез-тез кўтарилиб, соғлиғим панд берарди. Бир ой олдин, уйда ўтирсам, ўғлим бир халта дори-дармон ва касалхонага ётиш учун ордер билан кириб келди. Мен унга шу пайтда шунча чиқим шартмиди, десам, келиним «Ойижон, биз билан овора бўлиб, ўзингизга қарай олмадингиз, бизга сиз ҳамиша кераксиз, сизсиз бизга ҳеч нарса татимайди. Сиз соғ бўлсангиз, ҳамма нарса топилади, сиз ҳеч нарсани ўйламай, бемалол даволаниб чиқинг», деди. Унинг гаплари, меҳрибонлиги менинг унга бўлган меҳримни янада оширди. Кўзимга ёш келди. Уларни дуо қилдим. «Илоҳим, тупроқ олсангиз олтин бўлсин, қўша қаринглар». Шунда ўғлим: Ойижон, мени эмас, келинингизни дуо қилинг, бу фикр келинингиздан чиқди» деди. Шунда мен ўғлимга шундай жуфтни ато этган Аллоҳга, шундай фаросатли қизни вояга етказган ота-онасига ҳамду санолар айтдим. Аёлнинг гапларини эшитиб, тўлқинланиб кетдим. Оила — муқаддас даргоҳ, мустаҳкам қўрғон деймиз, бу қўрғоннинг мустаҳкамлиги, бардавомийлиги ўша оила салтанатининг шоҳи — отага, вазири — онага боғлиқ. Ҳар бир оиланинг ўз қонун-қоидалари бор, тўрт девор ошиб, кўчага чиқмайдиган, ўша қўрғоннинг ўзида кўмилиб кетадиган сирлари бор. Бу бир тарафдан қуда-андалар ўртасидаги ришталарнинг мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ. «Қудачилик — минг йилчилик» деб бежиз айтилмайди. Бу бардавомийликни сақлаш учун ҳар икки томонга ҳам айрим оғирликларни елкага олишга, машаққатлар чекишга, баъзида эса ўзидан кечишга ҳам тўғри келади, албатта.

Гулчеҳра КАРИМОВА

Ҳаётий қатра

САДОҚАТ

ОЛД ТОМОНИДАН КАТТАКОН АНҲОР ОҚИБ ЎТГАН ҲОВЛИМИЗ БЎЛАРДИ. АНҲОРГА ЎРНАТИЛГАН ЧАРХПАЛАКДАН ТАРНОВЧА ОРҚАЛИ КИРГАН СУВ АРИҚЧАЛАРДА ЖИЛДИРАБ КЕЧА-КУНДУЗ ОҚИБ ЁТАРДИ.

Онам ажойиб миришкор аёл эдилар. «Адолатхон таёқ суқиб қўйса бас, кўкариб кетади»,— дерди қўшнилар. Кўча дарвозасидан кирилганда ҳовли ўртасидаги сўри кўзга ташланарди. Усти ёпиқ бўлгани учун уни шийпонча деб атардик. Шийпонча атрофига хилма-хил гуллар экилган бўлиб, улар то совуқ кунлар бошлангунча яшнаб турарди. Мевали дарахтлар дид билан экилган бўлиб, ҳам сояси, ҳам шириншакар меваси билан ҳузур бағишларди.

Ана шу боғ-ҳовлидаги шийпонча устунида отажоним жуда-жуда севадиган бедана қафасда осиғлик турарди. Унинг дам-бадам «во-воғ, питпилдиқ, во-воғ, питпилдиқ» деб сайраши ҳаммамизга, айниқса, отажонимга бекиёс ҳузур бағишларди. Ишдан чарчаб келиб, шийпончада дам олардилар, беданага чексиз меҳр билан тикилиб, сайрашини кутардилар.

Шуниси ажойиб эдики, отажонимни кўрган бедана тўхтамай сайрарди. Уни жуда эҳтиётлаб парваришлаган отам, кўчага кетиш олдидан «беданадан хабардор бўлиб туринглар, донсувига қаранглар»,—деб тайинларди.

Дард нималигини билмаган отам яқин дўстининг вафотидан кейин бирдан касал бўлиб қолдилар. Касалхонада ётганларида ҳам беданани сўраб турардилар.

Орадан бир кун, икки кун ўтса ҳамки, бедана «чурқ» этмайди. Дон-сувга ҳам қарамай қўйди. Буни эшитган отамиз, уни олиб келинглар, мени кўрсин,—дедилар. Рўмолга ўраб, касалхонага олиб бориб отамизга кўрсатдик. Шунда қизиқ воқеа бўлди. Отамни кўрган бедана чунонам сайрадики, бундан ҳаммамиз хурсанд бўлдик, лекин касалхона ходимларидан яхшигина танбеҳ эшитдик.

Шу кундан бошлаб, бедана хотиржам бўлди, шекилли, аввалгидек яшай бошлади, лекин орадан олти ой ўтиб, отамиз оламдан ўтдилар. Апрелнинг иссиқ кунлари эди. Отамизни сўнгги йўлга кузатиб келганларини кўриб, сезган жонивор бедана шу кундан бошлаб сайрашни ҳам, овқатланишни ҳам тарк этди. Ҳаммамиз унга парвона бўлдик, афсус уч кундан сўнг у ўлиб қолди. Эгасига бўлган садоқатини ўзининг ҳаётини қурбон қилиш билан исботлаган митти жониворнинг бу ҳолатини кўриб, Азимжон отамизни қайта дафн этгандек бўлдик.

Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА

Тафаккур гулшани

ДОНИШМАНДЛАР ОДОБ - АХЛОҚ ТЎҒРИСИДА

Бир донишманддан сўрадилар:

— Одам учун ярашадиган либослар ичида энг гўзали қандай кийим?

Донишманд жавоб берди:

— Одам учун ярашадиган энг гўзал либос, бу — одоб-ахлоқ либосидир. Киши қиёфасини безайдиган, унинг ҳуснига ҳусн қўшадиган бундан ортиқ гўзал либосни топиш қийин.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

— Сўз сўзлаган вақтимда оғзимдан беихтиёр ярамас, бўлмағур сўзлар ҳам чиқиши мумкин. Душман эса оғзимдан чиққан ёмон сўзларингина териб олади, чунки душманнинг назари ёмондан бўлакка тушмайди. Шунинг учун сўз сўзламасдан сукут қилишни ихтиёр қилдим, деб бир дўстимга айтган эдим, дўстим:

— Душман яхшиликни кўрмасдан лаззатланади, — деди.

* * *

Жалолиддин Румий айтади:

— Беадабнинг ёмонлиги фақат ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам зарар етказади. Адабсизнинг устига келган офат, фалокат унинг адабсизлигидир. Ҳар ким адабсизлик йўлига қадам қўйса, қайғу-ҳасрат ўтида ёнади.

* * *

Абу Али ибн Сино айтади:

— Ҳаё — инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир.

Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



Қисқа муддатларга квартираларни ижарага бераман.
Т: 127-62-48

Ташкилот можжевельник, эльдор ва Қрим қарағайлари, Шарқ туяси, Тяншань ели ва бошқа мевали, манзарали (дуб, каштан) кўчатларини сотади.
Кўчатлар пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга сотилади.
ТЕЛЕФОНЛАР: 192-97-62, 192-99-06

«Ўзбек Давлат цирки»
Республика бирлашмаси
Тошкент Давлат цирки
2006 йил 1 ноябрдан бошлаб
мактаб ўқувчиларининг кузги таътил кунлари
ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ ЯНГИ ДАСТУР
Дастурда цирк артистлари
Бутунроссия танлови ҳамда Хитойда ўтказилган халқаро цирк санъати фестивалининг совриндорлари, шунингдек, ўргатилган ҳайвонлар гуруҳи иштирок этади.
Янги дастурда қувноқ масхарабозлар, ҳаво гимнастлари ва бошқа кўплаб бетакрор томошаларнинг гувоҳи бўласиз...
ЦИРК МАНЕЖИДАГИ ТОМОШАЛАРГА ШОШИЛИНГ!
Томошалар: 2006 йилнинг иш кунлари—1,2,3,6,7,8,9,10 ноябрда соат 11.00 ва 14.00 да; 4,5,11,12 ноябрда 12.00, 15.00 да бошланади.
Томошалар жадвалида ўзгаришлар бўлиши мумкин.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.
Ҳақ турлича усулда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: **144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.**

Мунажжим башорати

28 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

БУГУНГИ КУН ТЎПЛАШ, ИЖОДИЙ ИЛҲОМНИ РЕАЛ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА АЙЛАНТИРИШ КУНИДИР - МУНАЖЖИМ С. ИЛЬИЧЁВ ШУНДАЙ ДЕЙДИ. ЛЕКИН ШУ КУНИ БИРОН НАРСАНИ ХАРИД ҚИЛИШ ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИ. ОВҚАТНИ, АЙНИҚСА ЎЗИНГИЗ ТАЙЁРЛАГАН ТАОМЛАРНИ КЎПРОҚ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГ.

Бугун соат 14 дан эртанги соат 14 гача товуқ гўштини ёки тухумини истеъмол қилмаганингиз маъқул – улар сизга зарар қилади. Бугун ўз қўлингиз билан тайёрлаган таомларингиз фойдали бўлади.

29 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МУНАЖЖИМЛАРИМИЗ ФИКРИЧА, БУГУН ФАОЛ ТАШАББУСЛАР ВА ТАВАККАЛЧИЛИК КУНИ. ҚЎҚҚИСДАН ҚИЛИНАДИГАН ВА ОҚИБАТИ ОЛДИНДАН МАЪЛУМ БЎЛМАГАН ИШЛАР ТАВАККАЛЧИЛИК ТУФАЙЛИ ОМАД КЕЛТИРИШИ МУМКИН. ҚАТЪИЙ РЕЖАГА СУЯНАВЕРМАСЛИК КЕРАК, ЗЕРО, ҲАЁТДА ҲАММА НАРСА ҲАМ БИЗ ЎЙЛАГАНЧА БЎЛАВЕРМАЙДИ.

Дадиллик билан масъулиятни зиммангизга олинг, ижодий изланинг, ҳаракат қилинг – бугун сиз дунёни ёки унинг ҳақидаги фикримизни ўзгартириб юборадиган нарсани кашф этишингиз мумкин. Бугун муҳим ўзгаришлар юз бериши ҳеч гапмас. Бугун босиб ўтган йўлларингизни мушоҳада қилиб, муҳим қарорлар қабул қилишингиз фойдали бўлади.

30 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

МУНАЖЖИМ М.СМИРНОВА ТАВСИФИГА КЎРА, БУГУН СУЛҲ ВА КЕЧИРИМЛИЛИК, УЙҒУНЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК КУНИДИР.

Тасодифан сутнинг тўкилиши ёки болалар ўйинчоғини топиб олиш бугун яхшилик аломатларига киради.

Бу кеча кўрган тушларингизга эътибор қилиб ўтирманг – улар пуч бўлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТВ | YOSHLAR Telekanali | TOSHKENT TV | SPORT TV | 30 КАНАЛ | 1 РОССИЯ

ДУШАНБА, 30

«Ўзбекистон»

6.00, 14.20-«Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 11.10, 14.15, 17.10, 18.15, 19.15, 20.00, 21.35 ТВ-анонс.
8.50,13.05, 17.15 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Фредерик Шопен».
